

ОИЛА ТАРБИЯСИ ВА УНИНГ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Ахмедбекова

Ўқитувчи, Фарғона давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7808838>

Аннотация: Маълумки, ватанимизда қадимдан оила болалар тарбияси ижтимоий тарбиянинг ягона шакли бўлиб келгани, жамиятда таълим муассасалари бозга, мактабларнинг пайдо бўлиши оилада болаларни тарбиялаш муаммоларининг иккинчи ўринга тушиб қолишига олиб келди. Педагогика назариясида шаклланган зоя қарашларнинг барчаси дастлабки вақтларда оила тарбиясида вужудга келган эди. Олимлар оила ва мактаб тарбияси ўртасидаги фарқни кўрмаганлар, келинган хулосалар, умумлашмалар умумпедагогик тажрибалар махсули сифатида қаралган.

Мақолада оила тарбияси ва унинг педагогик хусусиятлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: халқ педагогикаси, оила, тарбия, фуқаролик жамияти, оила тарбияси.

СЕМЕЙНОЕ ВОСПИТАНИЕ И ЕГО ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА

Аннотация: известно, что на нашей Родине издревле семейное воспитание детей являлось единственной формой социального воспитания, появление в обществе образовательных учреждений детский сад, школы привело к тому, что проблемы воспитания детей в семье отошли на второй план. Идея, сформулированная в теории педагогики, заключалась в том, что все взгляды зародились в раннее время в семейном воспитании. Ученые не видели разницы между семейным и школьным воспитанием, сделанные выводы, обобщения рассматривались как продукт общепедагогических экспериментов.

В статье исследуется семейное воспитание и его педагогические особенности.

Ключевые слова: народная педагогика, семья, воспитание, гражданское общество, семейное воспитание.

FAMILY EDUCATION AND ITS PEDAGOGICAL CHARACTERISTICS

Abstract: it is known that in our Homeland since ancient times, family upbringing of children has been the only form of social education, the appearance of kindergarten and school educational institutions in society has led to the fact that the problems of raising children in the family have receded into the background. The idea formulated in the theory of pedagogy was that all views originated at an early time in family education. Scientists did not see the difference between family and school education, the conclusions drawn, generalizations were considered as the product of general pedagogical experiments.

The article examines family education and its pedagogical features.

Keywords: folk pedagogy, family, upbringing, civil society, family education.

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимизда оила масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас, албатта. Зеро, юрт тараққиётининг тамал тоши жамиятимизнинг асосий бўғини бўлмиш оилада кўйилади. Оила шундай мукаддас маконки, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шахс шаклланади, этник маданият, урф-одатларимиз, ахлоқий ва маънавий қадриятларимиз сақланади, ривожлантирилади, жамият тараққиётини белгиловчи иқтисодий ва маданий ҳаёт пойдевори мустаҳкамланади. Оиланинг асосий

ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва психологик вазифаларини қисқача таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, болада шаклланадиган барча ҳиссий, руҳий туйғулар: меҳрибонлик, оқибатлилик, ўзига ва атроф-муҳитга нисбатан масъулиятлилик куртаклари оилада намоён бўлади. Оила ўз вазифасини лозим даражада амалга ошириши учун уни тегишлича, маърифий-методик куроллантириш, ижтимоий-маънавий тадбирларни ўтказиш йўли билан унга ёрдам бериб бориш зарур.

ОИЛА ТАРБИЯСИ — оилада отаона, васий ёки катта кишилар томонидан болаларни тарбиялаш. Ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим ўрин тутди. Оила тарбиясида доимий тарбиявий таъсирчан куч — оилада руҳий хотир-жамлик, самимий муносабат, ота-она обрўсининг юқори бўлиши, болаларга талаб қўйишда оила катталари ўртасидаги бирликнинг сақланиши, бола шахсини меҳнатга тарбиялашга алоҳида эътибор бериш, болани севиш ва иззатини жойига қўйиш, оилада қатъий режим ва кун тартибини ўрнатиш, боланинг ёш ва шахсий хусусиятлари-ни ҳисобга олиш, боладаги ўзгаришларни кузатиб бориш, ундаги мустақилликка интилиш ва ташаббускорлик сифатларини қўллабқувватлаш ва ҳ. к. Оила қанчалик тартибли, унинг аъзолари ўртасидаги муносабат самимий бўлса, Оила тарбияси ҳам шунчалик муваффақиятли бўлади. Оила тарбиясида ота-она обрўси, уларнинг кузатувчанлиги, сезгирлиги, ҳозиржавоблиги муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Оила тарбиясида тарбия жараёни зерикарли, куруқ насиҳатгўйликдан иборат бўлиб қолмаслиги лозим. Бола ҳаётининг кўп қисми оилада ўтади. Шу боисдан мавжуд анъаналар, урф-одатлар, расм-русумлар ва маросимларнинг ижобий таъсирида бола аста-секин ка-мол топиб боради.

Оила тарбиясида ютуқларга эришиш ота-оналарнинг педагогик билимларга эгаллиги, Оила тарбияси бўйича тажрибалар алма-шиши, ота-оналарни тарбиявий ишларга қизғин жалб қилишга ҳам боғлиқдир. Ҳар бир ота-она Оила тарбиясида ўзларининг бурч ва масъулиятларини чуқур англашлари лозим. Нормал оилавий муҳит, болани китоб ўқишга, меҳнат қилишга ўз вақтида жалб этиш ҳам Оила тарбиясининг муваффақияти гаровидир. Оилада ота ёки онанинг йўқлиги ёки улардан бирининг кетиб қолиши Оила тарбиясига катта зарар етказди. Уларнинг болага берадиган тарбиявий таъсир кучи йўқолади, Оила тарбияси даги мувозанат бузилади. Бундай шароитда бола қалби қат-тиқ жароҳатланади, у тажанг, сержаҳл, кўпол, дағал бўлиб қолади, катталарга ишонмай қўяди, ўқиши пасайиб кетади. Оила тарбиясида отанинг обрўси катта аҳамиятга эга. Болаларни баркамол инсон қилиб етиштиришда мактабни оила билан боғламасдан муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шунинг учун Оила тарбиясида мактаб ва ота-оналар ўртасидаги таълимтарбияга оид биргаликдаги ишлари катта аҳамиятга эга. Отаоналарнинг ўқитувчилар билан бўлган учрашувларида айтилган фикрлар, айниқса қимматлидир.

Мамлакатимиз ижтимоий – педагогика тарихида уйғониш даври (IX-XI асрлар) муҳим босқич ҳисобланади. Фаробий, Беруний, Ибн Сино ўз рисоалари билан умуман педагогикага, хусусан оила педагогикасига асос солдилар. Болалар тарбиясини оила, ота – онасиз тасаввур этиб бўлмаслигини турли далиллар билан исботлашга киришдилар.

Маълумки, Шарқ мутафаккирлари меросида таълим-тарбия, хусусан, оилавий тарбия масалаларига кенг ўрин берилган. Улар болаларни тарбиялашни жамият тақдирини, миллатнинг келажагини белгилайдиган асосий мезон деб ҳисоблаганлар. Уларнинг педагогик қарашлари замирида ижтимоий идеал сифатида комил инсон ғояси ётади. Улар тарбияда ижтимоий ва биологик томонларнинг ўзаро муносабати ҳақида тўхталиб,

тарбияда ирсият ва муҳит таъсири бирдек эканлиги, тан ва руҳ соғломлигининг бирлиги каби масалаларни ўртага ташлайдилар. Уларнинг ақлий, меҳнат, ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбиянинг бирлиги ҳамда уларни амалга ошириш йўллари ҳақидаги ва оилада болалар тарбияси ҳақидаги фикрлари мазкур муаммоларнинг кўпгина жиҳатларини қамраб олади ва улар муайян тарбияшунослик бўйича қарашлар тизимини ташкил этади. Бу қарашлар ўз даврларидан анчагина илгарилаб кетиб, бир неча асрдан бери аجدодларимиз тафаккурини бойитиб, маънавий қадрият сифатида бугунги кунда ўз қийматини йўқотмай келмоқда. Улар ижтимоий ва оилавий тарбия бирлиги ҳақидаги масалани ижобий ҳал қилишга уринганлар, буни ҳозирги замон педагогикаси ва психологияси ҳам тўла эътироф этади

Абу Райҳон Беруний (973-1048) болалар тарбиясида оила, оила бошлиқлари, катталар фақат яхши томонлари, яхши хулқлари, яхши сўзлари билан намуна бўлишлари лозим деган фикрни билдиради. Шунингдек, у оила бошлигининг ўз фарзандлари руҳиятини ўрганиб, таҳлил қилиб боришини кўрсатиб, бола билан меҳнат қилиш, ўйинлар ташкил қилиш, тушунарли суҳбатларни тез – тез ўтказиб туриш фойдадан ҳоли эмасдир, деб уқтиради.

Беруний яхши одоб ҳам, ёмон хулқ одоблар ҳам кўпроқ оила тарбиясига боғлиқ эканлигини кўра олган. Агар оилада тарбиянинг яхши усулларида тўғри фойдаланилса, оила бахтли бўлади, бунда тарбияда бир хил талаб, бир хил мақсад қўйилмоғи албатта зарур, дейди олим. Кўринишдаги гўзаллик ва тузилишдаги баркамоллик ҳар бир одам учун сеvimли, дер экан Беруний, у турмушдаги табиий гўзалликни инсон ахлоқида, феъл – атворида, оилавий ҳаётда кўриш истаги борлигини назарда тутган.

Беруний ота ва онани оила бошлигини, қадрлашни талаб этади ва улар бола тарбиясида, оиладаги бошқа ишларда ҳам бир – бирининг яқин ёрдамчилари эканини алоҳида таъкидлайди. Айниқса, олим хотин – қизлар тарбиясига жуда катта эътибор берган. Унинг назарида хотин билимли, жасур, шарм – ҳаёли, эрини севиши, насл қолдириши ва бола тарбияси ҳақида ўйлаши, эзма бўлмаслиги, эрига бўйсунитиши, камтар ва фаросатли бўлиши, эри билан эҳтиёткорлик юзасидан муомала қилиши, ўзини ва уй- рўзгорини доимо тоза ва покиза бўлишига эришитиши, барча яхши феъл – атвори билан эрига маъқул бўлиши кераклигини айтади[1, 65]. “Болаларнинг юз чиройлилигига она қорнидаёқ қолип тайёрланади, бундан кейин у чиройлиликини ўзгартирадиган куч йўқ”, - деган эди буюк олим Беруний ва она қорнидаги табиат инъом этган чиройлиликини ҳеч қандай яратувчи янгидан ярата олмайди деса, тўла ҳақдир. Берунийнинг оилада ахлоқ – одоб тарбиясини амалга ошириш ва унинг қоидаларини такомиллаштириш соҳасидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Бу фикрлар ёш авлодни ўз ота – онасига меҳр – муҳаббатли бўлиш, бошқача айтганда ўз яратувчилари олдида бир умр қарздор бўлиб яшашга даъват этади, болаларда катта ёшдаги кишиларга ҳурмат, эъзозлаш муносабатида бўлишга интилишини тарбиялашдан таълим берган.

Абу Райҳон Берунийнинг фикридан яна шу нарсани англаш мумкинки, “Яхши хулқ – одобли, бақувват, чиройли болалар бўлиши онани, аёлни яхши парвариш қилиш, унинг табиатига зид ишларни қилмаслик, айниқса, бўлажак фарзанд туғилиши олдида онани эъзозлаб, ранжитмай парвариш қилиш зарур. Бироқ, - дейди Беруний, - ёшларнинг одоб – ахлоқи, турмуш тарзини ўзгартириш мумкин. Чунки, инсон ўз гавдасига ҳукмронлик қила олади. Шунинг учун ҳам у ўз хулқ – атворида яхши ҳисобланган хулқларни тарбиялай

олади. Бунда у одоб – ахлоқ ҳақидаги китоблардан ўқиб, ўқиб олиш, яхши номли гўзал кишилар билан, меҳнаткашлар билан ҳамкорликда бўлиши лозим, - деб кўрсатади.

Ибн Сино асарида ёш болани она эмас, тарбиячи тарбиялаши кераклигини тавсия этади. Чунки она ўз фарзандини тарбиялашда баъзи камчиликларга йўл қўйиши мумкин, у боласининг ёмон қилиғи учун жазолаш ўринга, эркалатиши мумкин. Бу эса бола тарбиясига ёмон таъсир этиши мумкин. Ибн Сино ана шу тарбиячи олдига бир қатор талабларни қўяди. Чунончи, тарбиячи фақат сўздагина насихатгўйлик билан тарбияламасдан балки амалда ҳам болаларга ўз хулқи билан ҳам таъсир қилиши керак. Ибн Сино ота – онанинг болалар билан олиб борадиган суҳбатини шартлари тўғрисида мулоҳаза юритиб: “Сиз гаплашиш, фикр алмашишда ҳайрихоҳлик талабларига риоя қилган ҳолда иш кўрсангиз, йўлдан адашмайсиз ва тўсиқларга дучор келмайсиз” – дейди.

Олимнинг бу соҳадаги фикрлари айтилиб, ота – она болалар билан суҳбатлашаётган вақтда, улар ҳаққоний ҳайрихоҳ бўлсалар, болалар суҳбатнинг қадрига етадилар ва берилган насихат беҳуда кетмайди.

ХУЛОСА

Шунга эътибор бериш керакки, суҳбат зерикарли бўлмасин ва болани ранжитмасин. Суҳбат жараёнида ортиқча ва кераксиз гапларни ишлатма, болага бир фикрни айтадиган бўлсанг, аввал шуни яхшигина тушунтириб бергин, токи сенинг гапларинг унинг қалбидан жой олсин, ўша ҳақида фикр – мулоҳазалар юритиб, бир хулосага келсин, дейиши болага энг аввало, унинг тушунчасига яраша муомала қила билиш ва ниҳоят боланинг ота – она томонидан берилган панд – насихатларини онгли ўзлаштириб, мустақил иш қилиш керак деган фикрни изоҳлайди[2, 90].

Ота – она болага биринчи ўринда оддий ахлоқ нормаларини сингдиришга, юриш – туриш, ейиш – ичиш қоидаларига, ўз қилмиши учун масъулият сезиш, ёмон қилиқлари учун уялишга ўргатиш лозим. Шундай қилиб, Девоний болаларни тарбиялаш ота – онанинг асосий бурчи эканлигини қайд этган.

Адабиётлар:

1. Тўрақулов Э. Раҳимов С. Абу Райҳон Беруний руҳият ва таълим – тарбия ҳақида. Тошкент, 1992.
2. Раҳимов С. Абу Али Ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. Тошкент, 1967.
3. Mahpuza, A., Rahmatjonzoda, A., & Zilola, X. (2022). ATTITUDE TO MATHEMATICS IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(11), 208-212.
4. Mahpuza, A., & Rahmatjonzoda, A. (2022). THE USE OF MODERN PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN MATHEMATICS LESSONS IN ELEMENTARY SCHOOL. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(11), 213-217.
5. Kaxharovna, A. M., & Qizi, D. M. Y. (2022). EFFECTIVE ORGANIZATION OF CLASSROOM ACTIVITIES IN GENERAL SECONDARY SCHOOLS. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(6).
6. Ахмедбекова, М. К., & Дадажонов, М. Ё. (2022). Мутахассисни Касбий Тайёрлаш Жараёнини Моделлаштириш. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 183-194.
7. Abduvositovich, Y. F., Suleymanova, D., Rakhmonov, U., Ergashev, A., Kurbanova, B., & Axmadbekova, M. (2021). The role of the great scholars of the Eastern Renaissance in the art

- of music in shaping the socio-spiritual thinking of young people. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2846-2850.
8. Юлдашев, И. (2010). Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигида тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш. *Известия ВУЗов (Кыргызстан)*, (6), 112-113.
 9. Юлдашев, И. А. (2020). Сотрудничество махалли и кенгаша схода сельских граждан, школы, семьи в процессе формирования у подростков социальной активности. *Редакційна колегія: АА Сбруєва—доктор педагогічних наук, професор (відповідальний редактор)*, 139.
 10. Ikromjon, Y., & Doniyor, O. (2022, September). UMUMIY O 'RTA TA'LIM MAKTABI O 'QUVCHILARINI JISMONIY TAYYORGARLIGINI OSHIRISHDA SPORT TO 'GARAKLARINING O 'RNI. In *E Conference Zone* (pp. 40-45).
 11. Karimova, G. (2022). CORRUPTION: ITS HISTORICAL ROOTS AND WAYS TO COMBAT IT. *Research Focus*, 1(4), 267-272.
 12. Каримова, Г., Баҳординова, Ф., & Соибжонова, С. (2021). ОИЛА СОЦИОЛОГИЯСИДА ОИЛАДАГИ ИЖТИМОЙ МУҲИТНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Интернаука*, (10-3), 44-45.
 13. Umatkulov, T. (2023). The Importance of the " Five Important Initiatives " in the Development of Society and the Formation of Civic Positioning Among Young People. *Web of Semantic: Universal Journal on Innovative Education*, 2(3), 51-55.
 14. Karimov, U., Karimova, G., & Makhamadaliev, L. (2022). The role and significance of spiritual values in youth education. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(2), 181-185.
 15. Арзиматова, И. (2022). Раҳбар кадрларда ахлокий-эстетик маданиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий зарурати. *Общество и инновации*, 3(2), 138-144.
 16. Arzimatova, I. (2019). Aesthetic education, its features and structure. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(6), 219-222.
 17. Arzimatova, I. M. (2020). Spiritual Culture Of Personality And Artistic And Aesthetic Changes. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(11), 160-165.
 18. Arzimatova, I., & Tursunov, B. (2021). THE ROLE SOCIAL FACTORS IN THE SPIRITUAL DEVELOPMENT PERSONALITY. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(2), 163-170.
 19. Арзиматова, И. М. (2020). Искусство как своеобразное средство воспитания. *Вестник педагогики: наука и практика*, (51), 116-117.
 20. Арзиматова, И. М. (2019). Процесс глобализации и формирование чувства патриотизма у молодёжи. In *перспективные области развития науки и технологий* (pp. 20-22).
 21. АРЗИМАТОВА, И., & МУМИНОВ, Ж. (2019). Взаимосвязь экологического и эстетического образования. In *Актуальные вопросы развития современной науки и образования* (pp. 234-236).